

«Челси» Рамазон ойида «Стемфорд Бриж»да ифторлик ўтказди



11:45 / 15.03.2023 1796

Лондоннинг «Челси» клуби АПЛ клублари орасида биринчи бўлиб ўз стадионида ифторлик ўтказишини эълон қилди.

Клуб расмий сайтида қайд этилишича, «Челси» бундай маросимни ўтказган Премьер-лиганинг биринчи клуби бўлмоқда.

«Сизга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, клуб Рамазон ойи муносабати билан 26 март куни уй стадиони «Стемфорд Бриж»да ифторлик ташкил қилади. Ифторликда маҳаллий мусулмон жамоасини интизорлик билан кутиб қоламиз», - дейилади клуб хабарида.

Клуб хабарида жамоанинг Ислон динига эътиқод қилувчи аъзоларидан Калиду Кулибали ва Весле Фофана барча рўздорларни ифторликка таклиф қилган.

Манба: Tribuna.uz